

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.29.12.2018. S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШЕРМУХАМЕДОВА АЗАДА УБАЙДУЛЛАЕВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ, ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

**22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract  
of Doctor of sociology (PhD) on Philosophical Sciences**

**Шермухамедова Азада Убайдуллаевна**

Ўзбекистонда ижтимоий тармоқларнинг шаклланиши,  
тенденциялари ва хусусиятлари ..... 3

**Шермухамедова Азада Убайдуллаевна**

Формирование, тенденции и особенности социальных  
сетей в Узбекистане ..... 25

**Shermukhamedova Azada Ubaydullaevna**

Formation, trends and features of social networks in Uzbekistan ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.29.12.2018. S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШЕРМУХАМЕДОВА АЗАДА УБАЙДУЛЛАЕВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ, ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

**22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Sots13 - рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash](http://www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталига ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Матибаев Тасполат Балтабаевич**  
социология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуазимов Оқилжон Уткурович**  
социология фанлари доктори

**Раматов Жуманияз Султанович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**«Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик  
фикрини ўрганиш маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси ҳузуридаги DSc.29.12.2018.S.23.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (998 71) 232-60-80; факс: (998 71) 232-60-66, e-mail: info@dba.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси Маъмурий биноси, 11 -қават, \_\_ -хона.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871)232-61-25

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**М.Б.Бекмуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, социология фанлари доктори, профессор

**Б.Ш.Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, социология фанлари номзоди, доцент

**Ш.М.Содиқова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, социология фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ахборотнинг ижтимоий фикрни шакллантириши ва технологик тараққиётга таъсири тобора фаоллашаётган ҳозирги даврда ижтимоий тармоқларнинг бу жараёндаги ўрни ва роли кучайиб бормоқда. Маълумотларга кўра, «дунё аҳолисининг 51%и интернет тармоғидан фойдаланади, у ўзаро боғланган ахборот дунёсини тубдан ўзгартирди, мамлакатлар, минтақалар, халқлар ва авлодлар ўртасидаги чегараларни йўқ қилди ва у ёшлар ҳаётида жуда катта аҳамият касб этадиган жараён сифатида намоён бўлмоқда»<sup>1</sup>. Шу боис, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш, ахборотни муҳофаза қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш, маълумотларни киритиш, сақлаш, қайта ишлаш долзарб аҳамият касб этади.

Дунёда ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация воситалари борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, ижтимоий тармоқлар орқали маънавий дунёқарашнинг ички ва ташқи маданий ресурсларининг ўзгариши, маънавий бегоналашув омилларининг турли кўринишдаги таҳдидлардан аҳоли онги ва қалбини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари, шахснинг жамиятга интеграциялашуви, глобал виртуал маконнинг ижтимоий-маданий жиҳатлари, ижтимоий тармоқлар шаклланишининг принциплари, ижтимоий тармоқлар назарияларини ривожлантириш, сунъий интеллект яратиш устида ижтимоий тармоқлар назарияси йўналишларини такомиллаштириш заруратини илгари сурмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий тармоқлар орқали сингдирилаётган ахборот тизимига нисбатан социологик ва математик усуллари мажмуаси шаклланди ва янги интерфаол алоқаларнинг интеграциялашуви ахборотлашаётган жамиятларда демократик қадриятларни ривожлантириш ва тарғиб қилиш масаласига эътибор қаратилмоқда. «Ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш»<sup>2</sup> вазифаси белгиланган. Ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган ахборот омилни комплекс тадқиқ этиш, ундан мақсадли ва самарали фойдаланиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларига мақсадли ёндашувни қўллаш, жамият ва давлат тараққиёти йўлидаги турли ижтимоий тўсиқларнинг олдини олиш ва барқарор ривожланиши йўналишларида илмий изланишларни амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 октябрдаги «Интернет жаҳон ахборот

<sup>1</sup><http://infocom.uz/2018/01/22/opublikovany-samyepopulyarnye-servisy-prilozheniya-i-telefonyn-internet-polzovatelej-uzbekistana>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси»нинг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

тармоғида миллий контентни ривожлантиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги 888-сон қарори, шунингдек, ушбу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқот республика фан ва технологияларивожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»даги ижтимоий соҳани ривожлантиришга оид концептуал ғоялар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди<sup>3</sup>.

Ижтимоий тармоқларнинг пайдо бўлиши Интернет ва оммавий коммуникация соҳаларида олиб борилган тадқиқотлар, хусусан, диссертация, монография ва илмий мақолалар тўпламларида глобал виртуал маконнинг ижтимоий-маданий аспекти ўрганилган<sup>4</sup>. Индивиднинг ижтимоий тармоқларга интеграциялашуви ва унга мослашувини оширишга қаратилган тадқиқотлар тарихи катта даврни ўз ичига олади. Бу борада хорижий олимлар томонидан шахснинг жамиятга интеграциялашуви мавзусида О.Конт, Г.Спенсер, Э.Дюркгейм, М.Вебер, П.Сорокин, Р.Мертон<sup>5</sup> каби ғарб мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари диққатга сазовор. Шунингдек, ижтимоийлашув муаммосини кенг ўрганган социолог олимлардан Т.Парсонс, Р.Парк, Г.Тард, Э.Гидденс, Ч.Кули<sup>6</sup>ларнинг тадқиқот ишларида тизимлилик алоҳида аҳамият касб этади. Ижтимоийлашувнинг умумий муаммоси ва бу жараённинг такомиллашувини рус тадқиқотчиларидан В.Вернадский, А.Чижевский, В.Соловьёв, В.Добренёва<sup>7</sup> ва бошқалар асарларида ўз аксини топган.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси»нинг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>4</sup> Лукацкий А. В. Выявление уязвимостей компьютерных сетей. [Электрон ресурс]: Центр информационных технологий, 2002. – Кириш режими: <http://citforum.ru>.

<sup>5</sup> Конт О. Курс позитивной философии. СПб.: 1842., Спенсер Г. Индуктивное и дедуктивное в социологии. СПб.: 1899., Дюркгейм Э. Самоубийство. Социологический этюд. - М.: Прогресс, 1992., Вебер М. Избранные произведения. - М.: Прогресс, 1990., Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. - М.: 1997., Мертон Р. Социальная теория и социальная структура. - М.: АСТ:АСТ. МОСКВА:ХРАНИТЕЛЬ, 2006.

<sup>6</sup> Парсонс Т. Система современных обществ. - М.: Аспект-Пресс, 1997, McKenzie, Roderick D.; Park, Robert Ezra; Burgess, Ernest Watson The City. - Chicago: University of Chicago Press, 1967., Тард Г. Тард Г. Преступник и преступление.- М.: Тип. И.Д. Сытина, 1906., Гидденс Э. Социология. - Т.: 2006.Кули Ч. Кули Ч. Социальная самость//кн: Американская социологическая мысль. Тексты под ред.В.И.Добренёва, МГУ, 1994.

<sup>7</sup> Конт О. Курс позитивной философии. СПб.: 1842., Спенсер Г. Индуктивное и дедуктивное в социологии. СПб.: 1899., Дюркгейм Э. Самоубийство. Социологический этюд. - М.: Прогресс, 1992., Вебер М. Избранные произведения. - М.: Прогресс, 1990., Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. - М.: 1997., Мертон Р. Социальная теория и социальная структура. - М.: АСТ: Москва: Хранитель, 2006., Парсонс Т. Система современных обществ. - М.: Аспект-Пресс, 1997., McKenzie, Roderick D.; Park, Robert Ezra; Burgess, Ernest

Бироқ, жамият ижтимоий ҳаётида ижтимоийлашув жараёнида инсон омилини икки ракурсда, яъни фаолият объекти сифатида ва турли ижтимоий таъсир субъекти сифатида комплекс ўрганиш, бу соҳадаги позитив жиҳатларга таяниш ва ижтимоий тўсиқларни бартараф этиш имкониятларини аниқлаш муаммоси бўйича махсус социологик тадқиқот олиб борилмаган.

Мамлакатимиз олимлари М.Бекмуродов, А.Холбеков, Т.Матибаев, О.Абдуазимов, Р.Матибаева, М.Яҳё, Ф.Сулаймонова, Ш.Қудратхўжаев, А.Юнусов, Н.Маннанова<sup>8</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида махсус социологик тадқиқот ишини амалга ошириш зарурати қайд этилган.

Бироқ, уларда ижтимоий тармоқларнинг расмий каналлари орқали Ўзбекистонда интеграциялашув жараёнида, хусусан, масофавий таълим беришдаги ўрни, уларнинг шаклланиш тенденциялари ўрганилмаган. Шу нуқтаи назардан, шахснинг жамиятга интеграциялашуви ва мослашувини бағишланган мазкур диссертацияда ушбу муаммо ечимига хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Жамият барқарор тараққиёти шароитларида социал жараёнлар ва ҳодисалар тадқиқоти» (2016-2018 йй.) мавзусидаги илмий тадқиқот иши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда ижтимоий тармоқлар шаклланишида мулоқот ресурсларини тадқиқ этиш ва социологик концепция орқали мутасадди ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ижтимоий тармоқларда аҳоли қатламининг ижтимоий, сиёсий, социомаданий ўзгариш йўналишлари ва ривожланиш қонуниятларини аниқлаш;

ижтимоий тармоқлар шаклланишига таъсир этувчи объектив шарт-шароитлар, субъектив омиллар имконият ва конструктив-механизмларини кўрсатиш;

ижтимоий тармоқларнинг шаклланишига оид давлат сиёсати самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган: назарий хулосалар, амалий таклифлар ва методологик тавсиялар тадқиқ этиш;

---

Watson The City. — Chicago: University of Chicago Press, 1967., Тард Г. Тард Г. Преступник и преступление. - М.: Тип. И.Д. Сытина, 1906., Гидденс Э. Социология. - Т.: 2006., Кули Ч. Кули Ч. Социальная самость//кн: Американская социологическая мысль. Тексты под ред.В.И. Добренькова, МГУ, 1994; Вернадский В. Живое вещество и биосфера. - М.: Наука, 1994., Чижевский А. Солнце и мы. - М.: Знание, 1963., Соловьев В. Значение государства // Сочинения в двух томах. Т. 2. - М.:Правда,1989.

<sup>8</sup> Бекмуродов М.Мовароуннахрда жамоатчилик фикри. - Тошкент: Фан, 1994., Холбеков А. Бошқарув социологияси. - Тошкент: Академия, 2007., Матибаев Т. Матибаева Р. Жаҳолат хуружи. - Тошкент: Академия, 2013., Яҳё М. Интернетдаги таҳдидлардан химоя. - Т.: Мовароуннахр, 2016., Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб (монография). - Тошкент: Ўзбекистон, 1997., Қудратхўжаев Ш.Т. Интернет: тарихи, тузилиши, техник хавфсизлик. - Тошкент:Ўзбекистон,2011., Юнусов А. Б. Ўсмир-ёшларда ижтимоий девиантлик ҳолатларининг социологик хусусиятлари: соц. фан. номзоди дисс. – Тошкент, ЎзМУ.2004., Маннанова Н. Ўзбекистонда педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофавий таълимнинг шаклланиши ва ривожланиши: соц.фан. номзоди дисс. - Тошкент, ЎзМУ., 2019.

виртуал маконда ижтимоий тармоқларни бошқариш ва шахс омили ролининг устуворлашиш қонунини социологик таҳлил этиш;

ижтимоий тармоқ феноменининг глобал виртуал мулоқот тизимидаги ўрни ва ролини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистонда ижтимоий тармоқларнинг шаклланиш жараёнлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** ижтимоий тармоқларнинг шаклланиш тенденциялари ва ўзига хос хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда социологиянинг биографик, кузатиш, анкета сўрови, интервью, статистик-социологик маълумотларни умумлаштириш, эксперт хулосалари, таҳлил усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ижтимоий тармоқларни онлайн тарзда таъсир кўрсатишда социотерапевтик стратегиялари орқали рақамли жамиятда ижтимоий медиа муҳитни шакллантириши ва бошқариш самарадорлиги асосланган;

ижтимоий тармоқларда маданият ва санъат асарларининг тарғиботини иррационал тарзда сингдирилиши шахс маънавиятига деструктив таъсир этиши асослаб берилган;

ижтимоий тармоқларда оммабоп хабарлар етказилишини рационал ташкил этиш «ҳиссий прагматизм» таъсири самарадорлигини таъминлаши ҳамда аҳолида эстетик мобилликни ривожлантирилиши асосланган;

ижтимоий тармоқларда замонавий ахборот технологияларини миллий маданий муҳитга мувофиқлаштириш, уларнинг позитив трансформациялашуви имкониятларини яратиши ва мета-эксперимент мезонларини узлуксиз тарзда амалиётга жорий этишни кенгайтириши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда ижтимоий тармоқларни оптимал ташкиллаштириш, бошқариш, назорат қилиш ва аҳоли қатламлари вакилларининг инновацион ғоялар билан мақсадли фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

ижтимоий тармоқлар шаклланиши ва ривожланиши тенденцияларининг амалий-праксиологик жиҳатларини аниқлаш механизмлари ишлаб чиқилган;

ижтимоий тармоқлар динамикасининг ҳолатини белгиловчи социологик концепцияси дастури таклиф этилган ва ижтимоий тармоқларнинг истиқболдаги трансформациялашувини белгиловчи прогноз ва корреляцион алоқадорлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, ўтказилган социологик сўровноманинг анкета, интервью ва эксперт сўров шаклларида асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жамиятда ижтимоий тармоқларнинг шаклланиши ва такомиллашуви жараёнларини оптималлаштириш, ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишга мутасадди давлат ташкилотлари, фуқаролик институтлари фаолиятини мувофиқлаштириш, унинг назарий-мантқиқий асосларини ривожлантириш, ушбу жараёнлар тенденцияларини аниқлаб, прогнозлаштиришга доир социологик назарий концепцияларни, футурологик таълимотларни “рақамли ижтимоий ҳаёт” тамойили асосида конкретлаштириш жиҳатларини чуқур тадқиқ этишга бағишланган махсус илмий ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертация тадқиқоти материалларидан «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқотларда, олий ўқув юртларида «Социология», «Ёшлар социологияси», «Маданиятшунослик», «Бошқарув социологияси», «Ижтимоий прогностика» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлаш ҳамда ўқитишда фойдаланиши мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда ижтимоий тармоқларнинг шаклланиш тенденциялари ва хусусиятлари бўйича тадқиқот натижаларидан:

ижтимоий тармоқларни онлайн тарзда таъсир кўрсатишда социотерапевтик стратегиялари орқали рақамли жамиятда ижтимоий медиа муҳитни шакллантириши ва бошқариш самарадорлигига оид таклифларидан Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланишида ёшлар учун “Хавфсиз Интернет” лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда “Ёш авлодни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш”, “Оммавий маданиятнинг салбий таъсирларидан ҳимояланиш”, “Ахборот хуружларидан ҳимояланиш” лойиҳаларини ҳаётга жорий этиш мақсадида Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партияси Сиёсий Кенгашининг 2016 йил 14 апрелдаги V Пленуми 1-сон қарори билан тасдиқланган сайловолди дастурини амалга ошириш юзасидан 2015-2019 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқишда амалий фойдаланилган. (Ўзбекистон Адолат социал демократик партияси Марказий Кенгашининг 2019 йил 14 июндаги 01-1/1/190-сон маълумотномаси.). Бу ёшларнинг турли кўринишдаги “оммавий маданият” таъсиридан асраш ва уларни интернет тармоғидан тўғри фойдаланишда мақсадли дастурлар орқали оммавий тадбирлар ўтказиш методикасини яхшилашга хизмат қилган.

ижтимоий тармоқларда маданиятга санъат асарларининг тарғиботини иррационал тарзда сингдирилиши шахс маънавиятига деструктив таъсир этиши асослаб берилганлигига оид таклифларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Республика Кенгаши Ижроия Қўмитасининг 2019 йил 25 январдаги 01-04/83-сонли қарори ҳамда 2019 йил 18 февралдаги 01-04/85-сонли қарори билан “Ёшларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз йўлини топишга қийналаётган ёшларни замонавий касб-хунарларга ўргатиш ҳамда уларни

ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тизимли ишларни амалга ошириш бўйича тармоқ дастури”нинг 22-банди доирасида тегишли тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган. (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Республика Кенгашининг 2019 йил 12 июндаги 02-06/853-сон маълумотномаси.) Бу мамлакатимиз ёшлари ва уларнинг виртуал макондаги ижтимоийлашувида муҳим аҳамият касб этди.

ижтимоий тармоқларда оммабоп хабарлар етказилишини рационал ташкил этиш «ҳиссий прагматизм» таъсири самарадорлигини таъминлаши ҳамда аҳолида эстетик мобилликни ривожлантирилиши асосланганлигига оид таклифидан Ахборот-коммуникация технологияларининг мамлакатимиздаги ўрни, даражаси ва сифати халқаро стандартлар даражасида ишни ташкил этиш омиллари ҳамда имкониятлари чуқур таҳлил этишда фойдаланилган. (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2019 йил 14 июндаги №08/07-сон маълумотномаси.) Натижада, замонавий ёшларнинг турли ёт ғоялар сингдирилган ахборотга дуч келиши, веб-сайтларнинг пайдо бўлиши, хусусан, оммавий ахборот воситаларининг таъсир доираси кенглиги ва бу маконда жойлаштирилган маълумотлардан исталган мақсад йўлида фойдаланиш хавфининг ортиб бориш олди олинди.

ижтимоий тармоқларда замонавий ахборот технологияларини миллий маданий муҳитга мувофиқлаштириш, уларнинг позитив трансформациялашуви имкониятларини яратиши ва мета-эксперимент мезонларини узлуксиз тарзда амалиётга жорий этишни кенгайтириши асосланганлигига оид таклифидан «ёшларнинг ислохотлардаги ўзгаришларга тайёрлигини ўрганиш ва бунда уларнинг фаоллигини ошириш ҳамда жамоатчилик фикрини шакллантириш орқали уларга ижобий таъсир кўрсатиш»га оид тавсияларда самарали фойдаланилган. («Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2019 йил 19 июндаги 01-16/239-сон маълумотномаси.) Бу ижтимоий тармоқларнинг кўп ўлчамли парадигмалари таҳлиliga оид илмий изланишларни кучайтириш, унинг замонавий тенденциялари динамикасини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та республика, 3 та халқаро илмий ва амалий конференцияларда маърузалар шаклида синовдан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 41 номда илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Илмий-амалий конференцияларда мавзуни илмий жамоатчиликка етказиш бўйича 22 та республика, 5 та хорижий чиқишлар қилинган ҳамда 4 та монография, 1 та услубий қўлланма, 1 та рисола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 135 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот ишининг кириш қисмида муаммонинг долзарблиги ва зарурати, ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, фойдаланилган усуллар, мақсад ва вазифалар аниқланган. Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти, амалиётга тадбиқ қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ижтимоий тармоқлар шаклланишини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида ижтимоий тармоқлар тушунчасининг генезиси ва моҳияти ҳамда ижтимоий тармоқларнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичларига тадқиқ этилган.

Фанлар тизимида «ижтимоий тармоқ» ибораси биринчи бор Жон Бернс<sup>9</sup> (Jn A. Barnes) томонидан 1954 йилда киритилган. Унинг фикрича, бир индивиднинг атрофидаги ижтимоий тармоқнинг катталиги тахминан 150 кишидан иборат бўлиши мумкин. Кейинчалик у гуманитар фанларнинг турли соҳалари, жумладан социологияда ҳам мунтазам қўлланила бошланди. Бу соҳада Я.Морено томонидан эксперимент олиб борилган ва у «Ижтимоий тармоқлар таҳлили» фан тармоғининг асосчиси ҳисобланади.<sup>10</sup> Шунингдек, алгоритмик ахборот назариясини сунъий интеллект яратиш устида ижтимоий тармоқлар назариясининг етакчилари сифатида Ғарб олимлари Р.Соломонофф ва А.Рапопортлар<sup>11</sup> томонидан бир қатор тадқиқотлар ўтказилган. 1959-1968 йилларда венгер математиклари П.Эрдёш<sup>12</sup> ва А.Реньи ижтимоий тармоқлар шаклланишининг принципларини таърифловчи мақолалар нашр этдилар. Д.Уоттс ва С.Строгач<sup>13</sup> ижтимоий тармоқлар назариясини ривожлантириб, кластерлаштириш коэффицентини илмий муомалага киритдилар.

XX асрнинг 70-чи йилларида социал тармоқларга оид тадқиқотларнинг социологик ва математик усуллари мажмуаси шаклланди ва улар ижтимоий тармоқларнинг ҳозирги замон таҳлиliga илмий асос бўлди. Кейинги чорак аср давомида шу соҳада иш олиб борган олимлар таснифига кўра, бугунги кунда ижтимоий тармоқларнинг таҳлиliga асосий тўртта ёндашув мавжуд.<sup>14</sup> Булар: 1) Тузилмалар ёндашув (асосан тармоқнинг геометрик шаклига эътибор берилди); 2) Ресурслар ёндашув (акторлар имкониятлари уларнинг ресурсларига қараб таснифланади, бунда индивидуал ресурслар сифатида билимлар, бойлик, нуфуз в.х. кўриб чиқилади); 3) Норматив ёндашув (акторлар орасидаги ишонч даражаси ҳамда ижтимоий тармоқларда акторларнинг ҳуқ-атвори ва ўзаро ҳамкорлигига таъсир қиладиган норма,

<sup>9</sup> Barnes J.A. Class and committees in Norway Island Parish//Human Relation. New York. 1975.

<sup>10</sup> J. L. Moreno, Who Shall Survive?, Beacon House, Beacon, NY, 1934.

<sup>11</sup> Рапопорт А. Стратегия и совесть = Strategy and Conscience. - М.: Прогресс, 1968.- 322 с.

<sup>12</sup> Волков М. В. Пол Эрдёш: необычная жизнь и необычная математика // МИФ. -1998-1999.- № 2.

<sup>13</sup> Мельникова М.С., Яковлев И.П. Понятие “социальная сеть” в социологических исследованиях и интернет-практиках // вестник СПбГУ. Сер.9. 2014. Вып.1. С.254-257.

<sup>14</sup> Григорян Э.Р. Социализация и персонализация. М., 1993; Кон. И.С. Социология личности. М., 1967; Смелзер Н. Социология: перевод с англ. - М., 1994, Хьюэлл Л., Зигглер Д. Теории личности (основные положения, исследования и примечания). - СПб., 1999.

қоида ва санкциялар ўрганилади); 4) Динамик ёндашув (вақт ўтиши давомида тармоқлардаги ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратилади).

Диссертация ишида ушбу ёндашувларнинг назарий-методологик таҳлили ва улардан чиқарилган батафсил илмий хулосалар келтирилган. Бундан ташқари, тадқиқотларда концептуал ёндашувлар таҳлили доирасида антропологик (Ч.Ломброзо, В.Шелдон, Э.Кречмер)<sup>15</sup>, генетик (Прайс, Уиткин, Э.Уилсон)<sup>16</sup>, психологик (А.Адлер, Э.Фромм, А.Маслоу, А.Бандура, Р.Харри, А.Личко, С.Беличева)<sup>17</sup> социологик (Э.Дюркгейм, Р.Мертон, Н.Иванов, Г.Беккер, У.Томас, Ф.Танненбаум, А.Турк, Р.Квинки)<sup>18</sup> концепциялар таҳлил этилган ва улар бўйича илмий хулосалар чиқарилган. Ижтимоий тармоқ феноменининг глобал виртуал мулоқот тизимидаги ўрни, жамият ривожланиши ва унга ахборот технологияларининг жадаллик билан кириб келиши ижтимоий тармоқлар тушунчасини янада кенгайтирди ва улардан фойдаланиш шаклини ўзгартирди<sup>19</sup>. Бундан ташқари ушбу бобда «тармоқ», «ижтимоий тармоқ», «локал тармоқ», «виртуал дунё» тушунчаларининг изоҳи, илмий таърифи, социологик мазмуни ва мумтоз социология вакилларининг ушбу тушунчаларга берган илмий-методик хулосалари таҳлил қилинган.

Ижтимоий тармоқларнинг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари, янги ахборот технологияларидан мақсадли фойдаланиш шу пайтгача тизимли равишда ўрганилмаган. Бироқ Интернетда ўзини презентациялаш стратегиялари ва уларнинг реаллик билан боғлиқлигини ўрганиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилганини қайд этиш мумкин.<sup>20</sup> Ижтимоий тармоқлар трансформациялашуви орқали “транзит йўлаклар”ининг пайдо бўлиши аксарият ижтимоий-гуманитар йўналиш мутахассислари учун “terra incognita”лигича, яъни номаълумлигича қолмоқда. Умуман олганда янги ахборот технологиялари ва улардан инсон ҳаётида фойдаланишни

<sup>15</sup> Ломброзо Ч. Преступление / Пер. Г. Н. Гордона. - СПб., 1990. - 257 с., См: Холл Кэлвин С., Гарднер Л. Теории личности. Пер.с англ. И.Б. Гриншпун. - М.: ЗАО Изд-во ЭКСМО-Пресс, 2000. - С. 374-397., Кречмер Э. Строение тела и характера // Психология индивидуальных различий. - М., 1982. - С. 238-349.

<sup>16</sup> Қаранг: Смелзер Н. Дж. Социология // Социологические исследования. - Москва, 1992. № 1. - С.128-142., Biology, crime and ethics: A study of biol explanation for erimindt behavior / Marsh E. H., Katz J. ed. - Cincinnati (ohio): Anderson, - 1985. - P. 245.

<sup>17</sup> Adler. A. Suicide // Jornal of Individual Psychology. - 1958. - № 14. - P. 57-61., Fromm E. Individual and Social character psychoanalitions and contemporary american. - N. York, 1966. - 152 p., Maslow A. H. A theoty of human motivation. Psychological Review. - 1943. № 50. -P. 370 - 396., Bandura A. Human agency in social cognitive theory. American Psychologist. - 1989. V. 44. - P. 1175-1184., Harre R. Social being. Oxford: Blackwell, 1979. - 326 p., Личко А. Н. Психопатии и акцентуации характера у подростков. - Л.: Медицина, 1983. - 256 с., Беличева С.А. Основы превентивной психологии. - М.: Редакционно-издательский центр Консорциума Социальное здоровье России, 1994. - 1225 с.

<sup>18</sup> Дюркгейм Э. Самоубийство. Социологический этюд. - М.: Мысль, 1994. - С. 278., Мертон Р.К. Социольная структура и аномия // Социология преступности. - М., 1966 г. - С. 299-313., Иванов Н.Г. Нравственность, безнравственность, преступность // Государство и право. - Москва, 1994. - № 11. - С. 46., См: Фоке В. Введение в криминологию / Пер. с англ. - М.: Прогресс, 1985. - С. 165-170., См:Смелзер Н. Дж. Социология // Социологические исследования. - Москва, 1992. - № 1. - С.128-142.

<sup>19</sup> Мельникова М. С., Яковлев И.П. Понятие «социальная сеть» в социологических теориях и интернет-практиках//<https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-sotsialnaya-set-v-sotsiologicheskikh-teoriyah-i-internet-praktikah>

<sup>20</sup> Қаранг:Жичкина А.Е., Белинская Е.П. Пространство, населенное Другими // Интернет. 1999. № 16 (июнь-август);Жичкина А.Е. Взаимосвязь идентичности и поведения в Интернете пользователей юношеского возраста. Автореф. дис. канд. психол. наук. М.,2001; Талышиних Н.К. Культура «сетевых сообществ». Автореф. Дис. канд. филос.наук. Ростов н/Д, 2004; Талышиних Н.К. Социокультурный статус индивида в «чате» // Труды аспирантов и соискателей РГУ: Т.8. Ростов н/Д: РГУ, 2002; Куприянов И. В. Компьютерный андеграунд в контексте становления культуры информационного общества. Автореф. дис. канд. филос. наук. Ростов н/Д, 2003.

такомиллаштириш борасида бир-бирига мутлақо зид бўлган баҳо ва прогнозларни учратиш мумкин. Бир томондан, ижтимоий фикрда компьютерларнинг ёш авлоднинг онгу тафаккурига фақат салбий таъсир ўтказиши ҳақидаги тушунча ўрнашиб қолган. Социал тармоқлар янги феномен бўлиб, унинг ташувчилари нафақат сўзлар, балки расм, сурат, кино, видео, товуш, веб-саҳифа каби, ахборот ёки матнни ташувчиси сифатида намоён бўла олувчи ҳар қандай объект бўлиши мумкин.

Воқелик тобора ўзининг коммуникатив ва ахборот жиҳатларига кўра намоён бўлиб бормоқда. Социал тармоқлар ёки унинг ўрнига келувчи мулоқот тури умуман тармоқнинг тизимни ташкил этувчи қисми бўлиб бормоқда. Компьютер нафақат айнан бир вақт-маконнинг бошқа нуқтасига олиб ўтмайди, балки умуман бошқа маконга кириб бориш, нафақат кириб бориш, балки уни қайта яратиш, янги, одамлар кириб бориши мумкин бўлган виртуал дунё яратиш имконини кичик маконлар (қатламлар, майдонлар, босқичлар ва бошқ.) мажмуасини акс эттирувчи социомаданий муҳитни шакллантиришга асос бўлди.

Умуман олганда, жамиятларни шакллантириш воситаси сифатида турли ахборот воситалари, виртуал реалликни вужудга келтирувчи инфор­мацион технологиялар, глобал ўзгаришлар (дунёнинг полионтологик яхлит манзараси) жиҳатдан қараганда ҳам айнан виртуал алоқалар замонавий жамиятларнинг турмуш шароитига, миллий-менталь географик хусусиятларини факториал ва комплекс-тизимли таҳлил қилиш имкониятини вужудга келтирди.

Диссертация ишининг «**Ўзбекистонда социал муносабатларнинг интеграциялашувида ижтимоий тармоқларнинг таъсири**» деб номланган иккинчи бобида ахборотлашган жамиятда ахборот алмашинувининг хусусиятлари ва жамиятнинг модернизациялашувида ахборот алмашинувининг регулятив функциясининг тахлили келтирилган.

Социал тармоқлар янги феномен бўлиб, унинг ташувчилари нафақат сўзлар, балки расм, сурат, кино, видео, товуш, веб-саҳифа каби, ахборот ёки матнни ташувчиси сифатида намоён бўла олувчи ҳар қандай объект бўлиши мумкин. Замонавий постиндустриал-ахборотлашган жамиятлар ривожланиши натижасида социал тармоқдаги ахборотга бўлган талаб ортиб бориб, анъанавий оммавий ахборот воситаларига бўлганидан ҳам қолишмайдиган даражага етди. Дунёдаги энг катта ижтимоий тармоқ бўлмиш Facebookдан 2021 йил маълумотларига кўра ҳар ойда қарийб 3 млрд.дан ортиқ инсонлар фаол фойдаланадилар. Шу боис, миллиардлаб одамлар учун ахборот манбаи сифатида хизмат қилувчи социал тармоқларнинг бир шакли, объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилар уйғунлиги таъминлаш ммуҳим аҳамият касб этишини тақозо қилмоқда.

Ижтимоий тармоқлар трансформациясини маданий омиллар таъсири контекстида таҳлил қилиш уларнинг регулятив функцияси ва интеллектуал

салоҳиятини эътиборга олган ҳолда, жамоатчилик назоратини самарали институционал механизмларини ишлаб чиқишдан иборат.<sup>21</sup>

Ушбу бобда муаммони таҳлил этиш асосида қуйидаги хулоса қилинди:

*Биринчидан*, ментал-хусусиятлар, ижтимоий тармоқларда универсал маданий муносабатлар тизими ва унинг структуравий институционал ва ноинституционал жиҳатларини ижтимоий маконда интеграциялаштириш ҳамда прогнозлаштириш имкониятларини яратади;

*Иккинчидан*, ижтимоий тармоқлар умуминсоният цивилизацияси инсон манфаатларини ошишига, демократик-гуманистик тамойилларни институционал бошқариш фаолиятини профессионал сифат даражасини, социал ҳолати, мавқеини, дунёқараши характерини белгиловчи ва баҳоловчи фактологик омилларни конкретлаштиради;

*Учинчидан*, глобал ижтимоий тармоқлар иқтисодий, сиёсий, маънавий ўзгаришларга, инсон капиталига “дистанцион” таъсир ўтказиб, уларни трансформациялашувида давлатлар маданий кадриятлар интеграциясига дифференциаллашган ёндашувни тақоза этади;

*Тўртинчидан*, халқаро ижтимоий муносабатлар интеграциялашувида ижтимоий тармоқларни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг географик глобал институционал структурасини комплекс-тизимли назарий-методологик асосларини ҳамда унинг самарадорлигини таъминлайди.

Мамлакатимизда интернет тармоқларининг шаклланиши ва ривожланиши унинг мустақиллиги мустаҳкамланиши билан бевосита боғлиқ. Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳаларига янги ахборот технологияларнинг кириб келиши ишлаб чиқариш, аграр хўжалиги, саноатнинг ривожланишида ижтимоий тармоқларнинг кенг ва шиддат билан тарқалишидаги муҳим омил бўлди.

*Биринчидан*, ижтимоий тармоқлар аста-секин ёшлар ижтимоийлашувида кибер қарамликни ривожлантириши оқибатларига олиб келиши мумкин.

*Иккинчидан*, социал мобилликни ривожлантириш ижтимоий институтларнинг вазифасини босқичма-босқич амалга ошира бошлади. Виртуал ҳаёт ҳақиқий кадриятларни четда қолдириб интернет маданиятининг таъсири кучаяди.

Ахборот оқимининг ошиши, унинг сон ва сифат жиҳатидан хабарнинг тез ва аниқ узатилиши аҳоли ижтимоий қатламлари илмий тасаввури шаклланишига хизмат қилади. Бу эса ўз-ўзидан ҳар бир ахборотларда тарқатилаётган турли туман хабарларнинг шахс онг ва тафаккурига таъсири билан ўлчанади. Ушбу ахборотнинг шахсга қандай таъсир этиши энг аввало унинг билим даражаси (оммавий, илмий, кундалик ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий), дунёқараши ҳамда дунёни идрок этиши орқали мукамал универсал таълимотга асос бўлади. Ахборот глобализацияни махсули бўлиб, кўпчилик экспертлар фикрига кўра 2020-2050 йилларга бориб

---

<sup>21</sup> Ижтимоий тармоқлар ва тармоққа оид мулоқот ресурслари миллий сегментининг ривожланиш тенденцияси” мавзусида эксперт сўровининг таҳлил натижалари

ўз таъсирини миқдорий ва сифатий кўрсаткичлар даражасига олиб келади.<sup>22</sup> Бу эса жамиятда ижтимоий тармоқлар интеграциялашув фаолияти ривожланишини таъминлаб бериши мумкин. Интернет тармоғининг Ўзбекистондаги қисми UzNet деб аталади.<sup>23</sup> Ўзбекистон домени (.uz) 1995 йилнинг 29 апрелида рўйхатга олинган. Узнетда рус тили кенг тарқалганлиги туфайли у қисман Paunet тармоғига ҳам киритилган бўлиб, 1995 йил, яъни шаклланишидан бошлаб 2001 йилгача Узнет домен зонаси эркин ҳолда фаолият юритди. 2001 йилда унинг ҳуқуқларини Германиянинг Томас компанияси вакили Euracom Equipment Gm ВН сотиб олди. Лекин 2002 йилнинг декабр ойида домен Ўзбекистоннинг алоқа ахборотлаштирув агентлиги таркибидаги UZINFOCOM маркази тасарруфига ўтказилди.<sup>24</sup>

Ўзбекистонда ижтимоий тармоқлар ривожланишининг тенденцияларини таҳлил қилиш натижасида мазкур ижобий динамиканинг асосий сабаблари қуйидаги омилларда эканлиги аниқланди.

Биринчидан, ижтимоий тармоқларда ахборотлашув жараёнларининг жадаллашиб, уларда тавсия қилинадиган мавзу доиралари кенгаймоқда, мазмун-моҳияти нуқтаи назаридан эса сифат даражаси сезиларли даражада кўтарилиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, ўзаро манфаатдорлар доираларининг кенгайишига олиб келмоқда.

Иккинчидан, тармоқлардан фойдаланиш содда ва унумли бўлиб, ундан фойдаланиш натижасида инсон фаолиятининг барча соҳа ва турларида меҳнат ва таълим самарадорлиги ошиб бораётганлиги туфайли социал тармоқларга муружат қилиш мойиллиги ва эҳтиёжи кучаймоқда.

Учинчидан, истеъмолчиларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланишга кўпроқ маблағ ажратиш хоҳиши ва имкониятлари ошиб бормоқда.

Тўртинчидан, ижтимоий тармоқлар замон ва тараққиётга ҳамнафас ҳолда модернизациялашмоқда, яъни уларда интеграциялашган ва интерфаол янги алоқолар пайдо бўлмоқда.

Бешинчидан, инсонлар орасидаги алоқаларнинг бошқа технологик турлари – телефон, компьютер, гайджет в.ҳ.лар ижтимоий тармоқлар фаолиятига мослаштирилмоқда.

Олтинчидан, ижтимоий тармоқлар маркетингни такомиллаштиришнинг қулай ва самарали воситаси сифатида товар ва хизматларнинг электрон бозорини ривожлантирмоқда.

Мазкур тенденциялар ижтимоий тармоқларнинг келажакда янада оммалашувига олиб келиши мумкин. *Ижтимоий тармоқлар* – аҳоли қатлами томонидан барча соҳаларда парадигмал ўзгаришларда, тажриба алмашинувида ҳамда ҳаёт фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш тенденцияларида трансформатор вазифасини бажармоқда. Шунингдек, шахснинг жамиятга қўшилиши, унинг нормалари, талаблари, кутишлари ва таъсирини қабул қилган ҳолда, мулоқат ресурси ва муомаласида уни

<sup>22</sup> «Ижтимоий тармоқлар ва тармоққа оид мулоқот ресурслари миллий сегментининг ривожланиш тенденцияси» мавзусида эксперт сўровининг таҳлил натижалари

<sup>23</sup> <https://pc.uz/company/102621-uznet>

<sup>24</sup> <https://uzinfocom.uz/uz/about>

кўрсатиш, ижтимоий тажрибаси билан ўзгаларга таъсирини ўтказа олиши имкониятларини вужудга келтирди.

Виртуал олам жамоатчилик фикрини шакллантириш ва онгни манипуляция қилишда матбуот, радио ва телевидениедан кўра, самарали ва кенг кўламли ўта муҳим ҳолатдир. Веб-сайтлар виртуал олам яратувчилари, ОАВнинг тури сифатида ҳокимликнинг алоҳида шаклига эга эмас, бундай «ҳокимлик» тарзидаги устунлик турли субмаданиятлар билан боғлиқ услуб ва маконларни «декодлаш» ҳамда янги субмаданиятларни яратиш эвазига эришилади. XX-XXI асрларда ҳақиқий муносабат ва алоқаларни симуляция қилувчи технологиялар тобора кенгроқ тарқалиб бормоқда. Натижада, ижтимоийлик ва ижтимоий макон ўзига хос симуляцион тузилмага айланиб, унинг аъзолари исталган пайтда ундан ўчирилиши ёки чиқариб ташланиши мумкин.

Ижтимоий тармоқларни ривожланиш қонунияти ва динамикасини социологик жиҳатдан ўрганиш муҳим назарий-методологик аҳамият касб этади. *Биринчидан*, жамиятда ижтимоий тармоқлар ёшларнинг турмуш ва тафаккур тарзини социомаданий муҳитга мослашиб бориши зарурияти, уларнинг «маданий хусусиятлари»га институционал бошқарув тизимини тақозо қилади; *иккинчидан*, ижтимоий тармоқларда ёшларнинг маданий муносабатлари ва ривожланиш босқичлари, ҳудудий хусусиятлари ҳамда объектив омиллари глобал жараёнга трансформациялашувига замин яратади; *учинчидан*, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ижтимоий тармоқлар трансформациясида маданий муносабатлар интеграциясининг шаклланиши, аҳоли турмуш шароити ва маънавий дунёқараш ўзгаришларини белги ловчи омилларга боғлиқ бўлади; *тўртинчидан*, ижтимоий тармоқлар тизимининг маданий омиллар ва маиший хизмат фаолияти йўналишларига таъсирини белгилашда унинг реал универсал самарали маданий механизмларининг корреляцион алоқадорлик таъсирини аниқлаш; *бешинчидан*, ҳозирги босқичда, глобал муаммолар кучайган вазиятда, ижтимоий тармоқларни рационал бошқариш ва ташкиллаштириш орқали социомаданий интеграция жараёнлари кескинлашувининг олдини олиш ва турли сабабларини баргараф қилиш мумкин.

Ижтимоий тармоқлар феноменининг деструктив ва хавфли жиҳатлари ҳам мутахассислар томонидан ўрганилган, уларнинг фикр-мулоҳазалари мазкур диссертацияда таҳлил қилинган. Хусусан, улардан террористик фаолиятни амалга оширишда фойдаланиш жуда хавотирга соладиган омил ҳисобланади. Террорчи ва экстремистлар веб-сайтлардан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориши, ўз сафларига ифвогар аъзоларни ёллаш, радикаллашув, зўравонлик ва шавқатсизликка даъват қилиш, террористларни тайёрлаш, террористик ҳужумларни режалаштириш ва ижро этиш, бу жараёнларда махфий алоқа ўрнатиш, турли кибер ҳужумларни амалга ошириш каби вайронкор ғоя, мақсад ва режаларда фойдаланишмоқда. Натижада, ижтимоий тармоқларда мулоқот олиб бораётган ёшлар ўртасида халқаро миқёсда таъқиқланган турли секта ва диний ташкилотларга аъзо бўлиб, фашизм,



миллатчилик, ирқчилик, диний оқимлар, порнофаолият, ўз жонига қасд қилиш, қулликка тушиш каби деструктив ҳолатлардан жабр кўрганлар сони кўпаймоқда.

Ҳар қандай социал муносабатлар ахборот эвазига вужудга келади ва давом этади. Ахборот олиш ва узатиш каналларини (вербал, визуал, аудио ва ҳ.к.) Р.Арнхейм, Р.Барт, Ю.Лотман, В.Подорога, Г.Почепцов, У.Эко ва бошқа олимлар тадқиқ этишган. Интернетнинг ихтиро қилиниши бир тизимнинг ўзида матн, тасвир, товушни бирлаштириш имкониятини берди. Уларнинг биргаликдаги иши «янги ҳиссийлик»ни дунёга келтирдик, у кундалик ҳис-туйғуларни сунъий тиклаш имкониятига эга. В.Подорога фикрича, бу ҳиссийёт этишмаган реалликни тўлдиришга эмас, балки реалликнинг ортиқчалигига кўниктиради: бу ҳиссийлик одамлар олдинги кундалик ҳаётида ўрганиб қолганларга нисбатан ёрқинроқ, кўринарлироқ, жарангдорроқ «олам» билан иш кўради. Агар аввал ҳиссий идрок реал борлиқ образларини яратган бўлса, бугунги кунда «янги ҳиссийлик» рақамли технологиялар ёрдамида сунъий реалликни қабул қилишга тайёр туради. Мисол тариқасида ҳаракатга келган, «жон кирган» ҳайкалларни келтириш мумкинки, улар ҳайкалнинг тугалланган шакли, демакки, ҳайкалтарошнинг муайян ғояси билан зиддиятга киришади. Шу асосда Ж.Бодрийяр тилга олган «реалликни йўқотиш»дан иборат умумий ҳолатнинг давоми сифатида реаллик тасвиридаги диссонансларни сезмаслик, илғамаслик кўникмаси шаклланади.

Ёшларни соғлом тафаккур маънавий-дунё қараш руҳида тарбиялашнинг замонавий психологик, инновацион ечимларини топиш «механизм»ларни яратиш давр талабига айланди. Ижтимоий тармоқларни институционал бошқаришга оид мутасадди давлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятларини назарий-методологик жиҳатдан қонуний-ҳуқуқий асосларини таъминлашига таъсир этувчи омилларнинг социомаданий хусусиятлари ҳамда самарадорлигини таъминлаш мезонларини аниқлашни тақозо этади.

Диссертациянинг учини боби **«Ўзбекистонда ижтимоий тармоқларнинг ёшлар социал қиёфасига трансформацияси ва ривожланиш истиқболлари»** деб номланиб, эмпирик социологик тадқиқот натижалари ва унинг таҳлилига асосланади. Ижтимоий тармоқлар ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши, жумладан, ташқи муҳитдаги ўзгаришларга (табiiй ёки ижтимоий ўзгаришларга) мослашиш орқали ҳам содир бўлади. Айни шу ҳолат гуруҳ бирдамлиги ва барқарорлигининг шаклланишига ёрдам беради, унинг динамикасини белгилайди.

Тадқиқот натижаларига кўра аниқландики, Ўзбекистонда ижтимоий тармоқларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу, энг аввало, жамиятда ўзининг муаммоларини мустақил ҳал қилиш учун ёш шахс қандай манбаларни ишга сола олиши билан боғлиқ жараёндр. Булар: 1) иқтисодий манбалар, бунга мол-мулк кўрсаткичи, жамғармаларнинг мавжудлиги ва шу каби индикаторлар киради; 2) илм-малака манбаи, бу билим ва малака кўрсаткичи

